

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВА НИГОРА ДЖУРАХАНОВНА

**ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА МЎЙНАЛИ КИЙИМЛАРНИ
БАДИИЙ ЛОЙИХАЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент –2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Эргашева Нигора Джурахановна Тежамкор технология асосида мўйнали кийимларни бадий лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш.....	3
Эргашева Нигора Джурахановна Разработка методов художественного проектирования меховой одежды с использованием малоемких технологий.....	21
Ergasheva Nigora Djuraxanovna Development of artistic methods designing fur clothing with using low- intensive technologies	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВА НИГОРА ДЖУРАХАНОВНА

**ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА МЎЙНАЛИ КИЙИМЛАРНИ
БАДИЙ ЛОЙИХАЛАШ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.06.04 – Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент –2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T807 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нигматова Фатима Усмановна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдукаримова Машкура Абдураимовна
техника фанлари доктори

Пулатова Сабохат Усмановна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Наманган муҳандислик-технология
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «16» декабрь соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17; e-mail:

Докторлик диссертацияси билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (119-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон кўчаси 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «2» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «2» декабрдаги 119-рақамли реестр баённомаси).



И.К.Сабилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.



А.З. Маматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.



И.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий мўйнадан тикилган кийимларни ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутиб, Италия, Франция, Хитой, Бразилия, Ҳиндистон, Аргентина каби давлатлар етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Шу билан бирга, мўйнали кийимларнинг юқори нархи тайёр маҳсулот таннархидаги харажатлар улуши 80-95% ни ташкил этадиши, мўйнали ярим тайёр маҳсулотлардан оқилона фойдаланиш, корхонада ишлатиладиган мўйнанинг умумий миқдорининг деярли 20 фоизини чиқиндилар ташкил этиш каби муаммолар мавжуддир. Ҳозирги кунда мўйна корхоналарида иккиламчи материал ресурсларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда ресурстежамкор технология ва техник воситаларни қўллаш, тармоққа замонавий қайта ишлаш технологияларини жорий этиш, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, табиий хом ашёлардан самарали фойдаланиш, жаҳон бозорида янги миллий брендлар яратиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, ассортиментларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда мўйнанинг иккиламчи материал ресурсларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, мўйнанинг иккиламчи материал ресурсларини камайтириш ва фойдали майдонидан рационал фойдаланиш, мўйна буюмларнинг рақобатбардошлигини ўсишига ёрдам берадиган технологияларни ишлаб чиқиш, жараёнга таъсир этувчи параметрларнинг оптимал қийматларини аниқлаш, мўйнали буюмлар ассортиментини кенгайтириш, янгилаш, сифатини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш, тежамкор технология асосида мўйнали кийимларни бадиий лойиҳалаш усулини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда мўйна корхоналарида иккиламчи материал ресурсларидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...ресурстежамкор технология асосида рақобатбардош маҳсулотларни янги турларини ишлаб чиқаришда техника-технологияларни такомиллаштириш энг муҳим деб белгилаб қўйилган...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, мўйна корхоналарида иккиламчи материал ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида тайёр маҳсулот маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сон «Чарм-пойабзал ва мўйна тармоқларининг экспорт салоҳиятини ўсиши ва кейинги ривожланишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мўйнали кийимларни бадиий лойиҳалаш услубларини такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиш билан хорижда Ф.М.Пармон, Г.И.Петушкова, Т.В.Козлова, Е.Х.Меликов, Г.А.Бастов, Л.В.Лопасова, Г.П.Зарецкая, М.Есина, Е.Г.Андреева, Г.М.Андрасова, Ж.Ю.Койтовалар шуғулланишган.

Республикада тери технологияларини такомиллаштириш ва илмий амалий асосларини яратиш, янги полимер материалларини қўллаш асосида сифати оширилган маҳаллий чармдан кийим тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш борасида Т.Ж.Кадиров, Ф.У.Нигматова, А.Тошев ва бошқалар томонидан бажарилган. Мазкур муаллифларнинг ишларида мўйна саноати ривожланишининг турли йўналишлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бироқ бугунги кунда стандартлаштириш ва унификациялаш қонунлари асосида қурилган иккиламчи материал ресурсларидан мўйна буюмларини лойиҳалаш услублари ҳақидаги маълумотлар тизимлаштирилмаган. Бу салбий ҳолат мўнали буюмлар дизайни даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Белгиланган эргономик кўрсаткичларга эга ва дизайнер томонидан ўйланган ташқи кўринишни жиддий мослиги шароитида кийимларни лойиҳалаш учун модул элементлар, қийқимларнинг шакли ва ўлчамлари-қўлланиладиган материаллар-деталларнинг технологик бирикма-ларини турларини билиш муҳим аҳамият касб этиб, яхлитлигича иккиламчи материал ресурсларидан бўлган мўйнали буюмларнинг ўзаро таъсир қиладиган комплекс параметрлари тизимлаштирилмаган ва тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Мўйна ярим тайёр маҳсулотлардан буюмларни лойиҳалашда оптимал конструкциялари ва технологияларини яратишга таъсир қиладиган омиллари ҳисобга олиниб, ахборот технологияларини яратиш самаралироқ ҳисобланади. Бунинг асосида концептуал модел, МБ ахборот массивлари, мўйнанинг иккиламчи материал ресурсларидан кийим каби мураккаб ва кам ўрганилган объектнинг бутунлай автоматлаштирилган лойиҳалашини таъминлайдиган алгоритмлар ва модулларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот

ишлари режасининг №ЁОТ-Фтех-2018-19 «Ахборот технологияларни қўллаган ҳолда тикувчилик ишлаб чиқариши, чарм ва мўйна чиқитларидан енгил саноат буюмларини ишлаб чиқишнинг ресурстежамкор технологиясини яратиш ва тадқиқ этиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кийим моделлари ассортиментининг сифати ва дизайнини яхшилаш ва ишлаб чиқаришнинг лойиҳалаш босқичларида ишнинг юқори даражадаги самарадорлигига эришиш имконини берадиган ресурстежамкор технологиялар асосида кийимни бадиий лойиҳалаш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мўйнанинг иккиламчи материал ресурсларидан кийимни бадиий лойиҳалашнинг инновацион ечимлари назарияси ва амалиётининг асосий масалалари таҳлилий тадқиқ этиш;

инновацион йўналишга эга бўлган мўйнали буюмларини ишлаб чиқаришнинг замонавий саноати динамикасини аниқлаш;

модуллари лойиҳалашнинг ахборот тизими ва комбинаторика тамойиллари асосида кийимни бадиий лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган лойиҳалаш услубларини қўллаш асосида турли хил ишлов берилган мўйнали ярим тайёр маҳсулотларни кейинги қайта ишлашда унинг сифатини белгилайдиган хусусиятларини комплекс тадқиқ қилиш;

эксплуатацион хусусиятларини ҳисобга олганда буюмлар учун мўйнали пластиналарни танлашни оптималлаштиришнинг математик моделини қуриш;

мўйнали ярим тайёр маҳсулотларнинг иккиламчи материал ресурсларидан рационал фойдаланиш усулини ишлаб чиқиш;

ахборот технологияларини қўллаш асосида модулли элементлардан мўйнали буюмларни эскизли лойиҳалаш услуги ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мўйна ярим тайёр маҳсулотларининг иккиламчи материал ресурслари, мўйнали буюмларни лойиҳалаш жараёнлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети мўйнали ярим тайёр маҳсулотининг ресурстежамкорлик усулологияси ташқил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Бичиш технологияси жараёнларини лойиҳалашда тизимли ёндашув, мўйнали ярим тайёр маҳсулотни бичиш, математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, факторли таҳлил ҳамда тажриба натижаларини қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мўйна иккиламчи материал ресурсларидан буюмларни модулли лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар сифатида инновацион йўналишдаги мўйнали пальтонинг асосий шакл ҳосил қилувчи параметрларини конструктив ва бадиий хусусиятларининг кўп ўлчовли майдонида тақсимланиш қонуниятлари аниқланган;

мўйнали кийимларни кийиш жараёнида шакл сақлаш барқарорлигини таъминловчи иккиламчи материал ресурсларидан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотнинг физик-механик, деформацион-мустахкамлик рационал қийматлари аниқланган;

иккиламчи материал ресурсларидан тайёрланган мўйнали кийим сифатини ва рақобатбардошлигини белгиловчи ярим тайёр маҳсулотнинг технологик кўрсаткичларини тикув чоки мустахкамлигига аналитик боғланишлари ишлаб чиқилган;

мослашувчан конструкциялаш қоидаларини қўллаб табиий мўйна юзидан фойдаланиш коэффицентини ошириш имконини берувчи модулли элементларни аёллар пальтоси базали конструкциясига зич жойлаштириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

истикболли ассортиментни ишлаб чиқишда мўйна териларини саралаб танлаш ва деталларни ёйилмада жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

замонавий кийимнинг шакли ва ўлчамларига таъсир қиладиган аёллар мўйнали пальтоси конструктив параметрларининг рационал катталиклари ишлаб чиқилган;

мўйна бичиқларини бичиш жараёнида модулли лойиҳалаш тамойилларидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

гажак гуруҳдаги мўйна кийкимида ипли бирикмаларни бажаришнинг оптимал режимлари таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Диссертацияда шакллантирилган илмий қоидалар, тамойиллар, хулосалар тавсияларнинг ишончлиги, изчиллиги, назарий ҳамда экспериментал тадқиқотлар натижалари, апробация ва жорий этишнинг ижобий натижалари, шунингдек, натижаларни таққослаш, маълум баҳолаш мезонларига кўра уларнинг адекватлиги, тадқиқотларининг ижобий натижаларини ва кўриб чиқиладиган мавзу бўйича маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мўйнанинг иккиламчи материал ресурсларидан буюмларни модулли лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар сифатида инновацион йўналишдаги мўйнали пальтонинг асосий шакл хосил қилишда конструктив ва бадий хусусиятларининг кўп ўлчовли майдонида тақсимланиш қонунияти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мўйна бичиқларини бичиш жараёнида модулли лойиҳалаш тамойилларидан фойдаланиб, мўйнали буюмларни ресурстежамкор технологик жараёни яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мўйна қийқимларидан шакли ва ўлчамлари бўйича катта диапазонда ўзгарувчи модуль элементларини бичишга қаратилган ва иккиламчи материал ресурсларини минималлаштириш

ва ресурстежамкор янги технологияни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

таклиф этилаётган аёллар пальтоси андозалари контурида модулли элементлардан ташкил топган зич ёйилмаларни олиш бўйича дастурий таъминоти “O’ZCHARMSANOAT” корхоналарида, шу жумладан, «МЕХОВАЯ МОДА» МЧЖ, (Бухоро вилояти) мўйна корхонасида амалиётга жорий қилинди («O’ZCHARMSANOAT » уюшмасининг 2021 йил 23 сентябрдаги ФБ-7/2500-сонли маълумотномаси). Натижада маҳсулотнинг меҳнат сарфи камайтирилган, иккиламчи материал ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига замонавий тенденцияларга мувофиқ аёллар пальтосининг базавий шакллари ишлаб чиқиш учун меҳнат унумдорлиги 45-50% га ошириш имконияти яратилган.

таклиф этилаётган мўйна буюмлари конструктив параметрларини унификациялаш ва стандартлаштириш, мўйна ярим тайёр маҳсулотидан тайёрланган скорняк лахтакларидан максимал фойдаланган ҳолда мўйна буюмлари ва зич жойлашмаларни лойиҳалашнинг алгоритми ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган усул “O’ZCHARMSANOAT” корхоналарида, шу жумладан, «МЕХОВАЯ МОДА» МЧЖ, (Бухоро вилояти) мўйна корхонасида амалиётга жорий қилинган, натижада тадбиқ қилиш амалдаги териларни қўлда танлаш ва жойлашмаларни бажаришда вақт сарфини 35-40% га камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши мавзуси юзасидан 16 илмий ишлар, шу қаторда 11 та илмий мақола, 5 та маъруза тезислари чоп этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари 16 та илмий ишларда, шу жумладан: 5 та Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда, 2 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий нашрларда чоп этилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2 та дастурга гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 4 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тежамкор технологиялар шароитида мўйналий кийимларни бадий лойиҳалаш жараёнларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида тежамкор


технологияни қўллаб мўйнали кийимлар дизайнининг назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи олимларнинг илмий ишлари бўйича адабиётларнинг таҳлилий шарҳи берилган. Жаҳонда етакчи бўлган Ғарбий Европа дизайнерларининг инновацион дизайн усулларидан фойдаланиш тажрибаси билан танишиш асосида мўйнали кийимлар тайёрлашда модулли дизайн усулларидан фойдаланиш ресурстежамкорликнинг истиқболли йўналиши бўлиб, у бутун технологик жараёни тубдан ўзгартирмасдан чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва мўйнали кийимлар ассортиментини кенгайтириш имконини беради деган хулоса қилинди. Мўйнали иккиламчи материал ресурсларидан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда модулли лойиҳалашнинг техник амалиётини жорий этиш усуллари аниқланди. Илмий манбаларни таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари белгиланди.

Диссертациянинг **"Модулли лойиҳалашнинг маълумотлар базаси сифатида мўйнали кийимнинг шакл ҳосил қилувчи ва конструктив параметрларини тадқиқ қилиш"** деб номланган иккинчи боби мўйнали кийимларнинг шакли ҳосил қилувчи хусусиятларини ва дизайнини ўрганишга бағишланган. Умумий ҳолда мўйнали кийимнинг энг урф шакллари ва шакллантириш усулларининг таҳлили сифатида жаҳондаги машхур замонавий дизайнерларнинг 2018-2021 йй. мавсум учун 23 та коллекцияларидаги 200 дан ортиқ моделлар ўрганилди. Буюмларнинг урф шакллари тавсифловчи параметрлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тақсимланиш частотасини ҳамда мўйнали кийимлар инновацион дизайни тамойилларини аниқлаш масалаларини эътиборга олган мўйнали буюмлар дизайнини тадқиқ усули ишлаб чиқилган.

Таҳлилни кўрсатишича, хорижий мўйна ишлаб чиқариш ва савдосида тайёр буюмлар (устки кийим) тахминан 80-100% (1-расм) ни ташкил қилади. Коллекцияларда умумий ҳолда мўйнадан бўлган турли хил устки кийимлар тақдим этилган (1а-расм): пальто (31%), яримпальто (37%), манто (10%), куртка (9%), нимча (7%), пончо (7%).



а




б

1-расм. Жаҳон брендлари коллекцияларида мўйнали кийимларнинг моделларини учраш диаграммаси: а-буюм тури бўйича; б-мўйна тайёр маҳсулотининг тури бўйича

2020-21 йй мавсумидаги энг урф бўлган мўйна турлари (1б- расм): қорақўл (5%), қорақўлча (6%), мутои (8%), норка (17%), тулки (32%), нутрия (3%), қуён (8%). Шунингдек, кийим дизайнида норка, шиншилла, қуёндан (16%) бўлган турли хил мўйналарнинг фактурали комбинацияларидан кенг фойдаланилган.

Мўйнали буюмнинг ташқи кўринишига унинг тери қатламининг зичлиги ва бикрлиги, қайишқоқлик-эгилувчанлик хоссалари, мўйна ва лахтак размери, тук қатламининг баландлиги, ранги, майинлиги ва зичлиги таъсир қилиб, бу хоссалар қолдиқ деформация ва тери қатламининг чўзилганда ўзгариши ҳисобига мўйнадан фазовий шаклларни ҳосил қилиш имконини беради. Кийим узунлиги, кўкрак, бел, бўкса чизиқлари сатхи ва танага ёпишганлик даражаси ҳамда мўйна туки баландлиги кийим ташқи шаклини кўз билн илғашнинг асосий элементлари ҳисобланади.

Момиқ-мўйна ярим тайёр маҳсулотидан (ММЯТМ) кийим лойихалашда материал тежамкорлиги - бу аввало, битта буюмга сарфланадиган мўйна юзасидан максимал даражада фойдаланган ҳолда функционал шакл яратишдир. Шунга кўра дастурлаштирилган шакл ҳосил қилиш усулларини қўллаб мўйнали кийимлар шаклининг маълум кетма-кетликда жойлашган бир нечта тузилмалари ва конструкциялари ажратиб олинди: кийим силуэти, бўйин ўмизи, енг ва унинг турлари ҳамда буюм бадий-конструктив чизиқлари (2- расм). Буюм шаклининг композицион тузилиши тадқиқоти натижалари мўйнали кийим базавий шакли ва андозаларининг конструктив-унификацияланган қатори учун дастлабки маълумот ҳисобланади.



2-расм. Мўйнали буюмларни модулли лойихалаш учун шакл сақлашнинг дастурий матрицалари

Тадқиқотлар давомида пальтонинг тана қисми ҳамда енг конструкциясининг бир ва кўп модулли композициялари аниқланган. Бир модулли композицияда тана конструкцияси битта ясси модул такрорланиши тамойили асосида қурилади. Икки модулли тайёрланмада олд ва орт бўлак конструкцияси икки турдаги ясси модулларни комбинациялаш тамойили асосида қурилади. Кўп модуллида – тайёрланма композицияси шакли ва ўлчами жихатидан турли-туман бирикмалардан қурилади.

Умуман олганда, мўйнали кийимларни, шу жумладан чиқиндилардан замонавий мўйнали кийимларни лойихалаш мўйнали ярим тайёр маҳсулот ресурсларини тежаш талаби билан боғлиқ. Бу ҳолда корхонанинг вазифаси базавий шакллар асосида моделларнинг ягона стилистик концепциясини яратиш

ҳамда, функционал-эргономик ва технологик жихатдан уларнинг истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш талабларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлашдир.

Турли силуэтдаги аёллар пальтоси оптимал ҳажмли-фазовий шаклини аниқлаш, уни параметрлаштириш ва кейин унификациялаш мақсадида мўйнали пальто модель конструкцияларининг экспериментал тадқиқоти ўтказилди. Тадқиқот услуги конструктив параметрларнинг кўп ўлчамли тахлили, конструктив қўшимчалар тахлили ва конструкцияни эргономик баҳолашни ўз ичига олди. 2018-2021 йилларда ҳам ички, ҳам ташқи бозорга махсулот чиқарувчи Бухоро ва Тошкентнинг мўйна билан ишлайдиган етакчи ателье ва корхоналарида тайёрланган кийим конструкцияларининг параметрик тадқиқоти ўтказилди.

Таҳлил учун ўтказма, яхлит ва реглан энг бичимли турли мўйнадан: норка, тулки, қорақўлча, қорақўл, қуён ва нутриядан тикилган 164-96-104 ўлчамдаги 30 та пальто моделлари конструкцияси саралаб олинган. Ўрганилаётган пальто моделлари бир-биридан энг бичими ва узунлиги, бўйин ўмизи шакли, олд ва орт деталларнинг конструктив бўлакраниш тури, тана қисмида ва энгда териларнинг жойлашуви билан фарқ қилади. Пальто конструкциялари тахлили юқори таянч участкалари ва “энг ўмизи- энг окати” узели бўйича бажарилиб, жами 24 параметрни ўз ичига олади.

Муайян вазиятда конструкцияларни саралаш ва кўп ўлчамли объектларни гуруҳлашнинг анъанавий усуллари кўллаш кам самара беради. Шунинг учун аёллар мўйнали пальтосининг бир хиллиги факторли таҳлил усулини қўллаб бажарилди. Факторли таҳлил усули ўрганилаётган объектлар тўпламини гуруҳларга (синфларга) тақсимлаш имконини беради ва шу билан бирга кўриб чиқиладиган конструкцияларни фарқлаш бўйича асосли қарор қабул қилиш учун шароит яратади. Классификация, шунингдек, ўзгарувчилар сонини камайтиришга ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга қаратилган.


Объектларни гуруҳлашнинг бошқа статистик усулларида фарқли ўларок, факторли таҳлил аввалдан берилган, ўрганилаётган жараёнларга ёки объектларга таъсир этувчи омилларнинг априор рўйхатига таянмайди, аксинча, улар ичидан муайян қоида ёрдамида энг муҳимларини аниқлашга ёрдам беради.

Факторли таҳлил усули бўйича классификациялаш тамойили бир -бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган омиллар гуруҳини ажратиб олишдан, ҳамда биринчи навбатда энг яқин конструкцияларни, сўнгра бир-биридан фарқ қилувчи конструкцияларни гуруҳларга кетма-кет бирлаштиришдан иборат. Яқинлик ўлчови сифатида ўрганилаётган конструкциялар ўртасидаги корреляция коэффиценти $r_{xi,xj}$ хизмат қилади, бунда симметрия $r_{xi,xj} = r_{xj,xi}$ қоидаларига риоя қилиниши ва уларнинг монотон равишда камайиши $r_{xi,xj}$ талаби бажарилиши зарур.

“Факторли таҳлил” дастурини қўллашнинг якуний босқичда қайта-қайта танлаш усули билан классификацияланувчи $X = \{x_1, x_2, \dots, x_m\}$ бошланғич тўплагма кирган 25 та объектни битта кластерга бирлаштириш имконини

берди. Корхонадан олинган саноат конструкцияларини гурухлаш натижаларининг геометрик талқини дендрограмма кўринишида 3-расмда келтирилган. Кластер таҳлили натижасида ўрганилаётган объектларнинг барча тўплами 3 та кластерга бирлаштирилди.

Дендрограмма ва биринчи кластерга кирган пальто эскизларининг таҳлили унинг таркибига асосан яхлит ва реглан энг бичимли пальтолар конструкцияси кирганлигини кўрсатди (16,...,25). Иккинчи кластерга тадқиқ қилинаётган тўпландан 2,8,5,7,12,15,9 конструкциялар, учинчисига 3,4,6,13,1,11,14 конструкциялар кирган. Иккинчи кластер конструкцияларида тўқислик қўшимчаси қиймати 3 смдан 15 смгача, энг ўмизи чуқурлиги 21,7 смдан 28,8 смгача ўзгаради. Иккинчи кластер муайян кадамдан сўнг учинчи кластер билан бирлашиб йирик кластерни ташкил этади. Иккинчи ва учинчи кластерларга кирган объектлар таҳлили асосида уларнинг барчаси ўтказма энг бичимли конструкцияларга тегишли эканлиги аниқланган.



3-расм. Мўйнадан аёллар пальтоси конструкцияларини биллаштиришнинг кўп даражали графиги

Турли силуэтдаги мўйнали пальто конструктив қўшимчалари тадқиқоти натижалари кўрсатишича, кўкрак чизиғи бўйлаб уларнинг ўзгариш чегараси ёпишган силуэтли энгсиз буюмларда минимал қийматдан 3,0 см гача, тўғри силуэтли пальто моделларида 15,0 см гача бўлиши кузатилди (1-жадвал).

Кўкрак чизиғи бўйлаб қўшимчанинг энг кичик қиймати ёпишган силуэтга (ўртача $6,5 \pm 2,5$ см) хос бўлса, максимали эса трапеция учун (ўртача $8,7 \pm 2,2$ см) хосдир. Таъкидлаш жоизки, ҳам ярим ёпишган ($P_{г} = 7,2 \pm 2,0$ см), ҳам овал силуэтли ($P_{г} = 7,5 \pm 2,2$ см) мўйнали буюмлар тўғри силуэтли ($P_{г} = 8,33 \pm 3,6$ см) кийимларга нисбатан кўкрак қисмида инсон қоматига кўпроқ ёпишиб туриши билан фарқланади. 22,4-42,7% чегарасида ўзгарадиган вариация коэффиценти силуэт бўйича тизимлаштирилган тажриба маълумотларини унчалик турдош эмаслиги ҳақида далолат беради.

**Кўкрак чизиғи бўйлаб конструктив қўшимчанинг мўйнали буюм
силуэтига боғлиқ ҳолда ўзгариши**

Силуэт	Кўкрак чизиғи бўйлаб буюм кенлигига қўшимча, П _{СТ} , см							
	Кузатишлар сони		Мин. қиймат, min	Макс. қий. max	Ўртача қиймат, m	Ўртача квадратик оғиш, s	Вариация коэф. k.v., %	m±s
	N	%						
Ёпишган	4	13,3	3,0	10	6,5	2,5	38,15	6,5±2,5
Ярим ёпишган	5	16,6	4,5	10	7,2	1,96	26,22	7,2±2,0
Тўғри	9	30	3,5	15	8,33	3,6	42,7	8,33 ±3,6
Трапеция	8	26,6	4	11	8,7	2,2	24,8	8,7± 2,2
Овал	4	13,3	4	12,5	9,8	2,2	22,4	7,5 ±2,2

Мўйнали кийимларда кўкрак чизиғи бўйлаб конструктив қўшимча қийматларининг катта тарқоқлиги турли хил омиллар билан асосланади (тук баландлиги, мўйна тури). Бел чизиғи бўйлаб қўшимчаларнинг қийматининг вариация коэффицентлари бир-бирига жуда яқин, барқарор ўзгариш интервал доирасида жамланган ва бошқа омилларнинг таъсирига нисбатан камроқ берилади.

Конструктив қўшимчалар ва хажмий-силуэт шакли ривожининг замонавий йўналишларини тадқиқоти натижалари асосида конструкциялар ичидан тўғри, трапециясимон ва овал силуэтдаги учта мўйнали пальто базали конструкцияси 2020-21йй. мавсумининг энг урф шакллари сифатида танлаб олинди.

Иккиламчи материал ресурсларидан мўйнали пластиналарни модул элементлари сифатида шакллантириш номли учинчи боб мўйна чиқиндиларидан полотно олиш усулларини ишлаб чиқишга ва уларнинг хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Мўйна чиқиндисидан тайёрланган пластина хусусиятларини ўрганишнинг илмий муаммосини ҳал қилиш мақсадида чиқиндиларининг тузилиши, ўлчами ва шакли таҳлил қилинди. Мўйна ярим тайёр маҳсулотларининг иккиламчи материал ресурслари таҳлили Тошкент шаҳридаги «Azian Furs», Luxurious Furs», «Original Textile and Print корхоналари шароитида амалга оширилди. Ҳаммаси бўлиб 30 та норка, қоракўл, қуён, ондатра мўйнали терилари ўрганилди. Натижада чиқиндилар классификацияси таклиф қилинди, момиқ - мўйна ярим тайёр маҳсулоти ҳақидаги маълумотлар тизимлаштирилди, уларнинг ўртача ўлчамлари белгилаб олинди. Чиқиндиларнинг миқдори ва топографияси 2-жадвалда келтирилган.

Кўриб чиқилган барча мўйна турларида андазалараро қийқимлар энг катта улушни ташкил қилди. Бундан келиб чиқадики, мўйнали ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланиш самараси кўпинча бичиш усуллари ва андозаларнинг жойлашмада зич жойлашувига боғлиқ.


Мўйна терисининг топографияси

Лахтак ва мўйна чиқиндилари тури	Мўйна чиқиндилари миқдори, %		
Қорақўл			
Панжа ва яримпанжалар	0,2		
Бўйин чети	2,6		
Қорин чети	2,3		
Андозалараро чикитлар	3,3		
Бошқалар	2,0		
Жами	10,4		
Норка			
Панжа ва яримпанжалар	3,9		
Дум	0,15		
Бўйин чети	3,0		
Андозалараро чикитлар	5,0		
Бошқалар	2,0		
Жами	14,6		

Норка ва қорақўл чиқиндилаарини ўлчаш ва нақшинкор композицияларни яратиш схемалари


Норка думлари		
Норка ва қорақўл панжалари		
Қорақўл думгаза		

Мўйна чиқиндиларидан шакли ва ўлчамлари кенг диапазонда ўзгарувчи модулли элементларни (МЭ) бичиш тавсия қилиниб, чиқинди миқдорини минималлаштиришга имкон беради. Модулли лойиҳалаш тамойилини қўллаб норка ва қорақўл лахтакларидан орнаментал композицияли пластина намуналари яратилган (3-жадвал). Элементар модул сифатида олтибурчак, ромб, арча (4-расм) олинган. Панжа ва думлар жойлаштирилган яхлит пластиналарнинг янги схемалари «Gemini CAD» автоматлаштирилган режимида олинган. Натижалар деталлар юзаларига нақш беришнинг ҳар хил усулларини компьютерда олиш имкониятини кўрсатди.



4-расм. Квадрат, ромб, олтибурчакка киритилган модулли элемент намуналари

Модулли лойихалаш усулини қўллаб аёллар пальтоси модель қаторларини ишлаб чиқиш жараёни қуйидаги кўрсаткичларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилган: кийим силуэти, конструктив ва конструктив-декоратив бўлакраниш; мўйнали буюм сохалари. Бу усул (5-расм) аёллар пальтосининг геометрик шаклларини модулли элементлардан дастурлаштирилган тарзда яратишга асосланган бўлиб, пальто ассортиментини ўрганиш натижаларига таянади ва буюм шаклининг шартли тузилиши кўринишга келтириш асосида бажарилади.



5-расм. Мўйна чиқиндиларидан тайёрланган модуль элементларининг кийим танаси қисмида жойлашуви қаторлари (фрагменти)

Иккиламчи материал ресурсларидан олинган пластина хоссалари яхлит теридан тайёрланган полотно хусусиятидан кескин фарқ қилади. Эксперт баҳолаш усули асосида мўйна чиқиндиларидан олинган полотноларнинг энг аҳамиятли кўрсаткичлари аниқланган: бадий-колористик ечими, мустаҳкамлик, зичлиги ва драпировка ҳосил қилиш кабилар.

Мўйна қийқимидан тайёрланган пластиналар сифатини баҳолаш учун ҳар хил мўйна ярим тайёр маҳсулотларида тажриба синов тадқиқотлари олиб борилди. Тажриба йўли билан пластиналарнинг қуйидаги хусусиятлари аниқланди: механик хусусиятлар, зичлик, қалинлик, иссиқлик сақловчанлик, буғ ўтказувчанлик ва драпировка ҳосил қилиш. Экспериментал тадқиқот натижалари 4 ва 5-жадвалларда келтирилган.

Мўйна қийқимидан тайёрланган пластиналарнинг драпировка ҳосил қилиш хусусиятига бир қатор омиллар таъсир қилади (5-жадвал): биринчидан, мўйнали пластинани астарлик материалга ўтқазуш - дублирин пластинанинг бикрлигини оширади. Мўйнали ёқа, манжет ва бош кийим деталларига тайёрлаш жараёнида шакл бериш талаб этилгани учун уларга эластиклиги юқори-юмшоқ ва тери қисми қалин пластиналарни қўллаш тавсия этилади. Бундай буюмларга астарсиз пластиналарни қўллаш ёки терини чўзгандан кейин пластинани мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ бўлади;

иккинчидан, мўйнали пластинадаги ипли бирикмалар қўшимча қўзғалмас каркас ҳосил қилади, бу эса пластина фактурасига ва тери қисмига қўшимча бикрлик-қўзғалмаслик бериб, натижада мўйнанинг деформацион ва пластик хусусиятлари ёмонлашади;

учинчидан, яхлит мўйна терисининг чепрак қисмидан бичилган пластиналарнинг тахлама ҳосил қилиши қобиляти юқори бўлади, чунки тери

қатламида коллаген толалари умуртқа чизигига нисбатан текис тўғри жойлашади.

4 -жадвал

Мўйна қийқимидан тайёрланган пластиналар тажриба намуналарининг характеристикаси

Т/р	Мўйна тури	Хажмий зичлик, кг/м ³	Қалинлик, мм	Ўртача оғирлик, Гр.	Узилиш кучи, Н		Узилишдаги узайиши, %	
					Бўйлама	Кўндаланг	Бўйлама	Кўндаланг
1	Қорақўл	0.972	1,54	1,49	82	66	22	20
2	Қорақўл + астар	1.037	1,84	0,17	187	22,9	72	20,2
3	Қорақўлча	0.414	0,39	0,046	88	79	29	26
4	Қорақўлча + астар	0.530	0,64	0,067	59	65	26	27,5
5	Нутрия	0.974	2,10	0,163	143	126	51,1	45
6	Нутрия+ астар	1.044	1,93	0,168	87	235	7,1	6,6
7	Норка	0.485	1,84	1,09	177	174	50,9	50
8	Норка+ астар	0,556	1,93	0,193	167	136	6,8	40

Турли топографик участкалардан олинган мўйна қийқимларидан тайёрланган пластиналарнинг тахлама ҳосил қилиш кўрсаткичи яхлит териға нисбатан паст бўлади.

Мўйнали пластина намуналарининг сифат даражаси комплекс сифат кўрсаткичининг қиймати ва уни базавий кўрсаткичлар билан таққослаш орқали баҳоланди. Баҳолаш натижалари бўйича астарли қорақўл мўйнасини энг яхши мўйна сифатида ажратиш мумкин, ундан кейин қорақўлча, норка ва астарли норка туради.

Мўйна қийқимидан тайёрланган пластиналарда ипли бирикмларнинг турли таъсирларға бардошлилиги улардан тикилган қийимларнинг функционал ишончлилиги ва мустаҳкамлигини белгилайдиган энг муҳим сифат кўрсаткичиларидан биридир.

5 –жадвал

Мўйнали пластиналарнинг буғ ўтказувчанлиги ва драпировкаланиши синов натижалари

Намуна номери	Намуна номи	Нисбий буғ ўтказувчанлик, %	Буғ ўтказувчанлик, мг/см ² ·ч	Иссиқ сақловчанлик, %	Драпировкаланиш коэффициенти, Д, %	
					“Игна” усули бўйича	Диск усули
1	Қарақўл	4,3	0,0213	63.90	92,65	10,7
2	Қарақўл+подкладка	5,3	0,0262	63.37	90.35	8,8
3	Қарақўлча	4,3	0,0213	61.30	92,30	3,7
4	Қарақўлча+подкладка	5,3	0,0262	59.80	92,65	8,3
5	Нутрия	4,6	0,0246	60.70	71,50	7,6
6	Нутрия+ подкладка	3,6	0,0180	60.23	65,25	8,6
7	Норка	5,9	0,0296	50.70	91,00	16,2
8	Норка+ подкладка	5,3	0,0080	50.10	90,40	9,9

Мўйна пластинасида скорняж чокли ипли бирикмаларнинг узилиш кучига турли омилларнинг комплекс таъсирини аниқлаш мақсадида тажрибани режалаштиришнинг математик усуллари ёрдамида таҳлил ўтказилди. Кирувчи параметрлар сифатида x_1 - 1 смдаги бахялар сони, x_2 - ипнинг қалинлиги ёки савдо рақами, x_3 - игна диаметри (номери), чиқувчи параметр сифатида эса бахянинг узилиш кучи F_p танланди. Регрессия тенгламаси олинди:

$$y_1 = 8,675 + 1,575x_2 - 3,625x_3 - 1,825x_1x_2 + 1,475x_1x_2x_3.$$

Регрессия тенгламасининг адекватлиги Фишер мезони бўйича 5% аҳамиятлилик даражасида эканлиги текшириш асосида аниқланди.

Ипли бирикманинг пишиқлигига игна диаметри энг кўп таъсир қилади ва унинг ошиши табиий равишда бирикиш мустақамлигини пасайтиради, бу айниқса кичик қалинликдаги тери қатлами учун хосдир (масалан, мўйна тери қатламининг қалинлиги ўртача 0,8-0,9 мм).

Тўртинчи боб модулли элементларни ихтиёрий ёпиқ контур билан чегараланган андозалар юзасига зич жойлаш схемаларини лойиҳалашга ва унинг дастурий таъминотини ишлаб чиқишга, олинган назарий ва амалий натижаларни саноат корхоналарига жорий этишга бағишланган.

Иккиламчи материал ресурслари-чиқиндилардан мўйнали буюмни дизайн-лойиҳалашнинг асосий концепцияси- маълумотлар базасидан ҳар хил МЭ автоматик танлаш ва уларнинг зич жойлашмасини ишлаб чиқишдир.

Ишда модулли элементларни буюм деталлари андозасида автоматлаштирилган режимда зич жойлаш учун адаптив конструкциялаш қоидаларидан: мультипликация (МЭ ўлчамини ўзгартириш) ва комбинациялашган бичиш (битта ёйилмада турли МЭ қўллаш) фойдаланилди.

Ҳар бир модулли элемент миқдорий ва номинал кўрсаткичлар мажмуига эга бўлиб, миқдорий кўрсаткичларга МЭ асоси узунлиги, кенглиги, МЭ майдони ва периметри $l_{mэ}$ (4-расм) киради. Номинал кўрсаткичларга мўйнанинг ранги ва тури, тук қоқламининг ва тери қатламининг хусусиятлари, қийқим конфигурацияси киради. Юқоридаги барча параметрлар зич жойлашма схемаларини олиш жараёнига бевосита таъсир қилади.

Деталлар конструкциясида модулли элементларни кийим детали конструкциясига жойлаш схемасини яратиш учун бошланғич маълумотлар сифатида МК буюм чизмаси, кийим андозалари параметрлари, МЭ параметрлари, ишлаб чиқариш тури танлаб олинди. Мўйна чиқиндиларидан ясалган МЭ кийим детали конструкциясига жойлаш схемасини автоматлашган тарзда лойиҳалаш алгоритми ишлаб чиқилди. Лойиҳа маълумотларини электрон тарзда шакллантириш имконини берувчи каталоглар ва электрон маълумотномалар таклиф этилган. Каталогларнинг тузилиши ва уларни тўлдириш аввалги тадқиқотлар натижалари асосида амалга оширилди. Натижада "Мўйнали кийимлар моделлари каталоги", "МЯТМ ва материаллар каталоги", "МЯТМ хоссалари", "Базавий андозалар каталоги", "Чиқиндилар классификацияси", "Компания моделлари каталоги" ва ҳ.з. дизайн-лойиҳа процедураларида ишлатиш мумкин. Маълумотномалар мазмуни ҳар бир

ташкилий-технологик ўтимда ишлатиладиган назорат қилинувчи параметрларни ўз ичига олади.

Дастурий таъминот автоматлаштирилган режимда мўйна иккиламчи материал ресурсларидан МЭнинг мураккаб контурли андоза юзасида зич жойлашмасини лойиҳалаш имконини беради. Дастурий таъминот синовлари уни қўллаш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, лойиҳалаш муддатларини ва ишчилар сонини қисқартириш, вақт сарфини 45-50% гача камайтиришини кўрсатди. Йиллик иқтисодий самарадорлик 148980 минг сўмни ташкил этади.

Техник ечим янгилиги ва тавсия қилинган “Кийим учун мўйна бичиш режасини ишлаб чиқиш” ва “Комбинатор усулни қўллаб мўйнани бичиш” дастурий таъминотлари учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг №DGU12166, №DGU12180 гувоҳномалари олинди. Таклиф этилган тежамкор технология ишлаб чиқаришга жорий этилганда йиллик иқтисодий самарадорлик 557729,87 минг сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

«Тежамкор технология асосида мўйнали кийимларни бадиий лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш» мавзусида олиб борилган тадқиқот иши бўйича қуйидаги хулосаларга эришилди:

1. Адабиёт таҳлили асосида мўйнали ярим тайёр маҳсулотлар ва табиий мўйнанинг иккиламчи материал ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳалигача етарли ҳал этилмаганлиги аниқланди. Ушбу материалларни тикувчилик ва мўйнали буюмларга қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндилар; (20-30% - тери учун ва 30-40% - мўйна учун) ташкил қилади.

2. Мўйнали кийимнинг янги шакллари олишнинг замонавий йўналишларини ўрганиш асосида ресурстежамкор технология асосида иккиламчи материал ресурсларидан мўйнали кийимнинг асосий шакл ҳосил қилувчи ва бадиий-конструктив белгилари аниқланган.

3. Мўйнали кийимлар учун инновацион дизайннинг ўсиб бораётган аҳамияти исботланди. Мўйнали ярим тайёр маҳсулот учун инновацион дизайн усулларини қўлланилиши маҳаллий мўйна корхоналарига ривожланишнинг янги истиқболли даражасига чиқиш, эстетик мукамал ва рақобатбардош маҳаллий мўйна маҳсулотларини яратиш имконини бериши аниқланган.

4. Омилли таҳлил усулини қўллаш орқали турли хил бичимдаги ва ҳажмий-силуэтли шаклдаги аёллар мўйнали пальтоси конструкциясининг классификацияси бажарилган ва барча тадқиқ қилинаётган объектлар 3 та кластерларга бирлаштирилган. Яқинлик меъёри сифатида тадқиқ қилинаётган конструкциялар ўртасидаги корреляция коэффициентлари хизмат қилган.

5. Мўйна буюмларида конструктив қўшимчаларни тадқиқ қилиш асосида турли хил силуэтдаги замонавий мўйнали кийимларнинг рационал шакллари аниқланди ва ёпишган силуэт учун кўкрак чизиги бўйлаб - $6,5 \pm 2,5$ см; яримёпишган силуэт учун - $7 \pm 2,0$ см; тўғри силуэт учун - $8 \pm 3,5$ см;

трапециясимон силуэтга - $8,5 \pm 2,2$ см; овал силуэт учун - $7,5 \pm 2,2$ см ли конструктив кўшимчаларининг қийматлари тавсия қилинган.

6. Мўйнанинг иккиламчи материал ресурслардан полотнолар олишда комбинаторика, модулли лойиҳалаш, дастурлаштирилган шакл бериш усулларини қўллаш, бўлақлар геометриясини, бириктириш турлари ва мўйна ярим тайёр маҳсулоти хилларини ўзгартириш йўли билан мўйна қийқимларидан хилма-хил нақшинкор композициялар олинди. Натижалар чиқиндилардан буюм эскизини лойиҳалаш учун ахборот фондини шакллантириш имконини берди, улардан фойдаланиш коэффициенти 20-30 % ошди, бунинг натижасида ҳар бир буюм учун материалларни тежаш ўртача 450-600 минг сўмни ташкил этади.

7. Тажрибани математик режалаштириш усули билан қорақўлчадан кийим деталларини ипли бириктиришда мўйна пластиналарининг энг муҳим механик кўрсаткичлари – узиш кучи ва узилишдаги нисбий деформацияси учун актив моделлар ва регрессия тенгламалари олинди. Натижалар мўйна қийқимларидан буюмларни тайёрлашда скорняж чокининг мустаҳкамлиги ва деформацион хусусиятларини баҳоратлаш орқали баҳолаш учун асос яратади ҳамда рационал бириктириш режимларини асосланган тарзда танлашга ёрдам беради.

8. Мўйна буюмлари конструктив параметрларини унификациялаш ва стандартлаштириш, мўйна ярим тайёр маҳсулотидан тайёрланган скорняк лахтақларидан максимал фойдаланган ҳолда мўйна буюмлари ва зич жойлашмаларни лойиҳалашнинг алгоритми ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган. Мўйна ҳомашёси хусусиятлари, шакли ва кийим конструкцияси бўйича маълумотларни ўз ичига олган электрон каталоглар ва маълумотномалар ишлаб чиқилган. Натижаларни тадбиқ қилиш амалдаги териларни қўлда танлаш ва жойлашмаларни бажаришда вақт сарфини 35-40% га камайтириш имконини беради.

9. Иш натижаларининг амалий аҳамияти «Azian Furs», LuxuriousFurs», «МЕХОВАЯ МОДА» шароитида саноат синовлари натижалари билан тасдиқланади. Диссертация иши натижаларидан фойдаланишда кутилаётган иқтисодий самара хомашё, меҳнат ресурсларини тежаш, маҳсулот турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ва лойиҳалаш вақтини қисқартириш ҳисобига шаклланади ҳамда меҳнат унумдорлигининг 45-50% га оширилганлиги ҳисобига йиллик иқтисодий самарадорлик 557 729,87 минг сўмни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ЭРГАШЕВА НИГОРА ДЖУРАХАНОВНА

**РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПРОЕКТИРОВАНИЯ
МЕХОВОЙ ОДЕЖДЫ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МАЛОЕМКИХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

Специальность 05.06.04 – Технология швейных изделий и дизайн костюма

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.4.PhD/T807.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Нигматова Фатима Усмановна**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдукаримова Машкура Абдураимовна**
доктор технических наук,

Пулатова Сабохат Усмановна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «16» декабря 2021 года в 14³⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №119). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «2» декабря 2021 года.
(реестр Протокола рассылки №119 от «2» декабря 2021 года).

И.К.Сабилов
Председатель Научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н.

А.З.Маматов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

И.А.Набиева
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и необходимость темы диссертационной работы В мире производства одежды из натурального меха особое место и лидирующее положение занимают такие страны, как Италия, Франция, Китай, Бразилия, Индия, Аргентина. При этом существуют такие проблемы, как дороговизна меха, где доля затрат в стоимости готового изделия составляет 80-95%, как рациональное использование меховых полуфабрикатов, отходы которых составляют почти 20% от общего количества меха, используемого на предприятии. В настоящее время меховые предприятия используют ресурсосберегающие технологии и технические средства при производстве готовой продукции из вторичных материальных ресурсов, внедрении современных технологий обработки в отрасли, повышении конкурентоспособности продукции при эффективном использовании натурального сырья, создании новых национальных брендов на мировом рынке из отечественной продукции, производить качественную продукцию, расширять ассортимент.

Во всем мире ведутся научно-исследовательские работы по разработке новых научно-технических решений ресурсосберегающих технологий и оборудований для производства готовых изделий из вторичных материальных ресурсов меха. В связи с этим особое внимание следует уделить сокращению вторичных материальных отходов и рациональному использованию полезной площади, развитию технологий, способствующих росту конкурентоспособности меховых изделий, определению оптимальных значений технологических параметров, расширению ассортимента меховых изделий, обновлению, повышению качества и конкурентоспособности, основанное на рентабельных технологиях, где особое внимание уделяется развитию метода художественного оформления меховой шубы.

Правительством Узбекистана определена стратегия развития агропромышленного комплекса страны, направленная на развитие отечественного каракулеводства, увеличение поголовья каракульских овец, внедрение в отрасль современных технологий переработки, повышение конкурентоспособности продукции, увеличение объема экспорта продукции местной пушнины, становление меховой промышленности в Узбекистане, основанной на реализации исторических традиций каракулеводческого ремесла и видов инновационного дизайна для создания конкурентоспособных изделий.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи, в том числе «... важнейшее совершенствование технологий в производстве новых видов конкурентоспособной продукции на основе ресурсосберегающих технологий...»¹. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4982 от 8 февраля 2021 г. «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию кожевенно-обувной и пушно-меховой отраслей», №ПП-3693 от 3 мая 2018 г. «О мерах по дальнейшему стимулированию развития и роста экспортного потенциала кожевенно-обувной и пушно-меховой отраслей» а также в других нормативно-правовых документах данной отрасли.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Широкие научные исследования, направленные на развитие техники и технологий в кожевенной и меховой промышленности, разработку и совершенствование интенсифицированных и экологически чистых отделочных технологий, Большой вклад в исследование вопросов совершенствования методов художественного проектирования меховой одежды привнесли многие ученые, такие как: Пармон Ф.М., Петушкова Г.И., Козлова Т.В., Меликов Е.Х., Бастов Г.А., Лопасова Л.В., Зарецкая Г.П., Терская Л.А., Есина Е.В., Андреева Е.Г., Андросова Г.М., Койтова Ж.Ю., Кадыров Т.Дж. и другие. В работе этих авторов рассмотрены и определены основные направления развития меховой промышленности.

